

КЛАССИК АРАБ ТИЛИ МАНБАЛАРИДА
“МАЪНОВИЙ ВА ЛАФЗИЙ ИЗОФАЛАР”НИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Жўраева Мадина Абдужалиловна

PhD, доцент в.б.,

Алфраганус университети, Фолология факультети,
Шарқ филологияси кафедраси араб тили ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада классик араб тили грамматикасида муҳим ўрин тутувчи изофа ҳодисасининг назарий асослари, унинг маъновий (ҳақиқий) ва лафзий (шаклий) турлари кенг ёритилган. Абдурахмон Жомий, Маҳмуд Замахшарий, Мустафо Ғалайний каби нуфузли грамматикларнинг изофа ҳақидаги қараишлари ўзаро қиёсланган, изофанинг мазмун яратишдаги функционал имкониятлари изоҳланган. Мақолада маъновий изофанинг «مِنْ», «لِ» ва «فِي» маъноларида келувчи уч кўриниши мисоллар билан тушунтирилган, лафзий изофанинг сифат ва маъмул муносабатига асосланган грамматик кўринишлари шарҳланган. Шунингдек, изофа бирикмасининг гаптаги синтактик вазифалари ва классик манбалардаги қўлланиш хусусиятлари таҳлил этилган.

Калим сўзлар: Изофа, маъновий изофа, лафзий изофа, мудоф, мудоф илайҳи, Абдурахмон Жомий, маъмул, наҳв, қаратқич келишиги, мослашмаган аниқловчи.

Abstract. This article explores the theoretical foundations of the *idāfa* construction, which plays an important role in classical Arabic grammar, focusing on its semantic (real) and lexical (formal) types. The views of prominent grammarians such as Abdurahmon Jāmī, Mahmud Zamakhsharī, and Mustafa G‘alaynī on the nature of *idāfa* are compared, and the functional possibilities of *idāfa* in creating meaning are explained. The article discusses the three semantic types of *idāfa* expressed through the meanings of “مِنْ”, “لِ”, and “فِي”, providing illustrative examples. It also analyzes the grammatical features of lexical *idāfa*, which is based on the relationship between the adjective and its *ma‘mūl*. Additionally, the syntactic roles of *idāfa* constructions in sentences and their usage in classical sources are examined.

Keywords. *Idāfa*, semantic *idāfa*, lexical *idāfa*, *muḍāf*, *muḍāf ilayhi*, Abdurahmon Jāmī, *ma‘mūl*, *naḥw*, genitive case, non-concordant modifier.

Араб тили грамматикасида изофа - бир исмнинг иккинчи исмни қаратқич келишигида бошқариб келишига нисбатан айтилади. Изофа икки хил: маъновий ва лафзий бўлади. Машҳур классик манбалардан бири бўлган, “Шарҳи Мулло” асарида айтиладики: ¹⁵و المضاف إليه كل اسم نُسِبَ إليه شيءٌ بَواسِطَةِ حَرْفِ الجَرِّ لفظًا او تقديرًا مُرادًا. «Мослашмаган аниқловчи бирор-бир нарсани предлог воситасида ёки предлогсиз

¹⁵Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёийа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 118а саҳифа.

лафзан ёки тақдиран бошқа бир шахс ёки предметга тегишлилигини ифодалайдиган сўздир». Жомий изофа бирикмасида ҳарф-у жар яъни предлоглар тақдиран ёки лафзан келиши мумкинлигини уқдиради. Мослашмаган аниқловчининг лафзан яъни предлог воситасида бошқа бир исмга мансублигини ифодалашига мисол қилиб: غلامٌ لِزَيْدٍ - «Зайднинг хизматчиси» бирикмасини олишимиз мумкин. Ушбу бирикмани ل – предлогсиз қўлласак, Жомий таъкидлаганидек, мослашмаган аниқловчи тақдиран яъни предлогсиз бошқа бир исмга тегишли бўлиб келади.

Абдурахмон Жомий изофа икки хил яъни, маъновий (ҳақиқий) ва лафзий (шаклий) бўлишини таъкидлайди.¹⁶ «فَالْمَعْنَوِيَّةُ أَنْ يَكُونَ الْمُضَافُ غَيْرَ صِفَةٍ أَلِي»¹⁶ - «Маъновий изофанинг белгиси, мудоф (аниқланмиш)ни сифат бўлмаслиги ҳамда ўзининг маъмулига (фоъилига ёки мафъулига) мудоф бўлмаслиги керак» дейди.

Жомий ўз шарҳида изофа таркибида келган مَعْمُولٌ – «маъмул» сўзини фоъил яъни феълий жумланинг эгаси, ва мафъул биҳи – воситасиз тўлдирувчи маъноларини берувчи сўз эканлигини уқдиради. Бундан ташқари «маъмул» сўзи араб нахвида «бошқарилаётган сўз» маъносида ҳам келади.

Муаллиф ўз асарида маъновий изофани уч хил бўлишини таъкидлайди:

"و هي إمّا بمعنى اللام فيما أي في المضاف إليه عدا جنس المضاف و ظرفه أو بمعنى من في جنس المضاف أو هي إمّا بمعنى في في ظرفه أي : في ظرف المضاف و هو قليلٌ مثل غلامٌ زيدٌ و خاتمٌ فضةٌ."¹⁷ – «Агар мослашмаган аниқловчи аниқланмишга тегишли эканлигини билдирса ва (Изофанинг биринчи тури) «ل»- маъносидаги изофа, (иккинчи тури) аниқланмишнинг материални билдириб «من» – маъносида келади, (учинчи тури) «فى» билан келиб, аниқланмишнинг ўрин-пайт маъносини билдиради. Бу каби маъновий изофа жуда оз учрайди. Масалан: Зайднинг хизматчиси, кумуш узук» каби.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, маъновий изофа уч турли бўлиб, биринчиси «ل»- маъносидаги изофадир. Масалан, غلامٌ زيدٌ - (Зайднинг хизматчиси) жумласи аслида غلامٌ لِزَيْدٍ - дир. Иккинчи тури аниқланмишнинг материални ифодалайди, масалан: خاتمٌ فضةٌ (кумуш узук) бирикмаси аслида خاتمٌ مِنْ فضةٌ бўлиб, сўзма-сўз «кумушдан ясалган узук» мазмунини ифодалаб, аниқланмиш маъносида келган узукнинг нимадан ясалганлигини билдирапти. Учинчи тури эса, маъновий изофанинг ўрин-пайт маъносида келиши бўлиб, бундай изофа тури иш-ҳаракатнинг ёки отнинг пайтини билдириши мумкин.

Жомий изофанинг иккинчи тури бўлган лафзий изофага қуйидагича таъриф беради:

- واللفظية أن يكون المضاف صفة مضافة الى معمولها مثل ضاربٌ زيدٌ و حسنٌ الوجه.¹⁸

«Лафзий изофанинг белгиси шуки, у сифат бўлиб, ўзининг маъмулига яъни бошқарилаётган сўзга изофа бўлади, масалан: «Урувчи Зайд» ва «Гўзал юзли»

¹⁶ Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 122а саҳифа.

¹⁷ Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 123а саҳифа.

¹⁸ Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 123а саҳифа.

Лафзий изофада аниқланмиш ўрнида сифат келиши мумкин. Бундай изофадаги мослашган аниқловчи ўша сифат билдирган белгининг доирасини маълум бир доирада чегаралаб келади. Масалан: حَسَنُ الْخَلْقِ - «чиройли хулқли» каби.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласида ҳам Абдурахмон Жомийнинг «қаратқич келишигидаги исмлар» борасидаги қарашларига жуда яқин бўлган фикрларни учратишимиз мумкин, масалан: «Қаратқич келишигидаги исмлар икки хил бўлади: 1. Изофа туфайли қаратқич келишигида туради, масалан: غلامٌ زيدٌ «Зайднинг хизматчиси». 2. Предлог туфайли қаратқич келишигида туради, масалан: سِرْتُ مِنَ الْبَصْرَةِ إِلَى الْكُوفَةِ - «Басрадан Куфага бордим». Изофа икки хил бўлади: 1. Маъновий изофа - бу مِنْ لِ ва مِنْ لِ предлоглари маъносини берувчи изофадир, масалан: غلامٌ زيدٌ - «Зайднинг дастёри» (дастёр Зайдга тегишли- لِ) ва خَاتَمٌ فضةٌ (кумушдан ясалган узук). 2. Лафзий изофа деб, иш-ҳаракат бажарувчисининг номини объект номига кўшилиши ёки сифатдошнинг феълдан ясалган сифат, сифатдош маъно-сидаги сифат (квазепричастие)нинг иш-ҳаракат бажарувчисига кўшилишидан ясалган изофа бирикмасига айтилади, масалан: حَسُنُ الْوَجْهِ - «чиройли юзли»¹⁹.

Мустафо Ғалайиний эса шундай дейди: «Араб наҳвида маъновий изофа الاضافةُ «ахзафату» «ҳақиқий изофа» ёки الاضافةُ الْمَحْضَةُ «соф изофа» дейилади»²⁰.

«Мабдаун-наҳв» асарида қаратқич келишига ҳақида шундай дейилади: «Исм икки ўринда қаратқич келишигида бўлади: исм предлоглардан кейин келса ёки изофанинг иккинчи бўлаги яъни мудоф илайҳи бўлса»²¹.

Б.М. Гранде эса: «Исмни бошқаришнинг специфик кўриниши изофа ҳолатидаги қаратқич келишигидир»²², - дейди.

В.Гиргас: «Изофа деб – бир отнинг иккинчи отни қаратқич келишигида бошқариб келишига айтилади. Изофа икки хил: маъновий ва лафзий бўлади»²³.

Изофа бирикмаси «мослашмаган аниқловчили бирикма» деб ҳам аталади. Изофа бирикмаси гапда турли вазифаларни бажариши мумкин, масалан: 1. Эга – دار عمرو كبيرة - «Амрнинг уйи каттадир». 2. Кесим- هذه دارٌ عمرو - «Бу Амрнинг уйидир». 3. Тўлдирувчи – وجدْتُ كَلَامَ عمرو مُفِيدًا - «Амрнинг сўзларини фойдали деб топдим». 4. Пайт ҳоли- بُنِيَتْ الْاَهْرَامَاتُ عَهْدَ الْفَرَاعِنَةِ - «Эҳромлар фиръавнлар даврида қурилган»²⁴.

Лафзий изофада биринчи бўлак бошқа исм билан мослашган аниқловчи бўлиб келаётган сифат бўлади. Масалан: الرجلُ الطويلُ الْقَامَةِ - «Узун бўйли киши».

Бирикмадаги биринчи бўлак – طویلُ сўзи ўзидан олдин турган исм билан жинсда, келишикда ва ҳолатда сифат каби мослашган. Масалан: مررتُ بِرَجُلٍ طویلٍ الْقَامَةِ - «Узун бўйли кишининг ёнидан ўтдим».

¹⁹Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: 2005. – Б. 102.

²⁰الشيخ مصطفى غلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1995 ص 208

²¹Қаранг: Бекпўлатов С. Мабдаун-наҳв. – Т.: 2005. – Б. 62.

²²Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М.: 1963. – С. 446.

²³Гиргас В. Очерк грамматической системы арабовъ. – СПб.: 1873. – С. 93.

²⁴Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: 2005. – Б. 103.

Шу билан бирга ўзидан кейин келаётган исми бошқариб уни қаратқич келишигига қўймоқда. Яъни бу ҳолатда у «от» вазифасида келади. Лафзий изофанинг маънавий изофадан фарқи- маънавий изофада биринчи бўлак албатта «от» бўлиши керак. Лафзий изофада иккинчи бўлак икки хил хусусиятга эга. Бир томондан сифатнинг семантик ва грамматик хусусиятларига эга бўлса, иккинчи томондан отнинг характерли хусусиятларига эга²⁵.

Лафзий изофа сўзлар бирикмаси бўлиб, мустақил равишда ўзгаради. Биринчи бўлак иккинчи бўлакнинг жинсидан қатъий назар ўзидан олдинги исм (от) билан жинсда мослашади. Хулоса қилиб айтсак, лафзий изофада биринчи бўлак ўзидан олдинги отни аниқлаб келаётган сифат, иккинчи бўлак маънавий изофадаги каби биринчи бўлакни аниқлаб, чеклаб келади²⁶.

Классик араб тили манбаларида изофа нафақат грамматик тузилма, балки мазмун яратиш, нисбат ифодалаш ва услубий куч манбаи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмон Жомий. “Ал-Фавоиду-з-Зиёийа”. Исомуддин, Абдуғофур Лорий, Абдурахмон ва Исматулла хошияси билан. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёмалар фонди. Қўлёмалар 862.

2. Белова А. Г. Синтаксис письменных текстов арабского языка.-М.: Наука, 1985.

3. Гранде Б.М. «Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении» Москва. 1998.

4. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси.. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 1997. I жилд.

5. Носирова М. «Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи» . Т.:2005.

6. Носиров О, Юсупов М. “Ан-На’им” арабча-ўзбекча луғат. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003.

²⁵Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: 2005. – Б. 104.

²⁶Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: 2005. – Б. 104.